

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ФАТТАЕВА ДИЛОРОМ РУСТАМОВНА**

**COVID-19 ЎТКАЗГАН КОМОРБИД ҲОЛАТИДАГИ  
БЕМОРЛАРДА СУРУНКАЛИ ОДОНТОГЕН ГАЙМОРИТНИНГ  
КЛИНИК ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.21 – Стоматология  
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Фаттаева Дилором Рустамовна**

COVID-19 ўтказган коморбид ҳолатидаги  
беморларда сурункали одонтоген гайморитнинг  
клиник патогенетик хусусиятлари ..... 3

**Фаттаева Дилором Рустамовна**

Клинико-патогенетические особенности хронического  
одонтогенного гайморита при коморбидном  
состоянии у больных перенесших COVID-19..... 27

**Fattayeva DiloromRustamovna**

Clinical and pathogenetic features of chronic  
odontogenic sinusitis in a comorbid state in  
patients undergoing COVID-19..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 54

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ФАТТАЕВА ДИЛРОМ РУСТАМОВНА**

**COVID-19 ЎТКАЗГАН КОМОРБИД ҲОЛАТИДАГИ  
БЕМОРЛАРДА СУРУНКАЛИ ОДОНТОГЕН ГАЙМОРИТНИНГ  
КЛИНИК ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.21 – Стоматология  
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Tib1949 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек,рус,инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Ризаев Жасур Алимджанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Рахимова Дилорам Алимовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Шодикулова Гуландом Зикрияевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**С.Д. Асфендиёров номидаги Қозоғистон миллий  
Тиббиёт Университети (Қозоғистон)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “ ” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс 6623775(366); e-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz).)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг Ахборот -ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс 6623775(366)

Диссертация автореферати 2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Қ.Э.Шомуродов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Г.У.Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Т.Э.Зойиров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бугунги кунда турли этиологияли гайморитлар орасида одонтоген гайморитнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги инсонларда учраши ва бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. «Гайморитлар орасида одонтоген гайморитнинг учраши ўртача 26 - 40% ни ташкил этмоқда. оториноларингологлар кўпинча максилляр синуситни тиш касаллиги ва одонтоген этиология билан боғлиқлигини кўпинча риноген деб ҳисоблаши натижасида, уни ташхислаш 12% ташкил этмоқда»<sup>1</sup>. Одонтоген гайморитнинг COVID-19 ўтказгандан кейин оториноларингология клиникаларида кўп тарқалган касалликлардан бири бўлиб, у жиддий умумий тиббий ва иқтисодий муаммодир, чунки беморларнинг аксарияти ёш ва ўрта ёшли одамлар, яъни соғлом ва меҳнатга лаёқатли контингентдир. Гайморитнинг учраш даражасининг юқорилиги, патогенезининг мураккаблиги, касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш, тиббий ёрдамни ташкил этиш ва профилактика тизимини такомиллаштириш амалий тиббиётнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Жаҳонда сурункали респиратор патологияли беморларда COVID-19 дан кейин сурункали одонтоген гайморитни эрта босқичларда тасхислаш, хавф омилларини аниқлаш, даволаш ва профилактика самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада коморбид ҳолат даври касалликларида аъзолар зарарланишини аниқлаш, касалликларда бир-бирини ўзаро кучайтирувчи ҳолати патогенезини аниқлаш, замонавий юқори технологик усуллар ёрдамида ташхислаш, беморларга ёрдам кўрсатиш тизимида скрининг ва мониторинг тадбирлари сифатини ошириш, асоратларини олдини олиш, тиббий-санитария ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, иммун ва коагуляцион тизим дисбаланси ҳамда маҳаллий микробиоценознинг ролини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда беморларда COVID-19 дан кейин нафас олиш тизими вентиляцияси бузилиши билан маҳаллий иммун тизими ва эндотелиал дисфункцияни патогенетик боғлиқлиги, шунингдек, сурункали одонтоген гайморит авжланишини эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматни такомиллаштириш борасида, жумладан ҳозирги COVID-19 падемиясида сурункали касалликларнинг фаоллашувини эрта ташхислаш мақсадида амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи

---

<sup>1</sup>Li YC, Bai WZ, Tsutomu Hashikawa The neuroinvasive potential of SARS-CoV2 may play a role in the respiratory failure of COVID-19 patients . - Med Virol 2020 Jun;92(6):552-555. doi: 10.1002/jmv.25728.

навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармони 26-бандида «...коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чораларининг амалга оширилиши, санитария-эпидемиологик ва тиббиёт муассасаларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу ўз навбатида коронавирус пандемияси даврида сурункали респиратор патологияли беморларда COVID-19 дан кейин юзага келадиган сурункали одонтоген гайморитни эрта ташҳислаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий технологияларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъказо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иктисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ 3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 августдаги 461-сон «Коронавирус инфекциясини юқтирган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўтказилган йирик тадқиқодларда нафас йўллари касалликлари коморбид ҳолатларини ташҳислаш ва даволаш муаммолари маҳаллий ва ҳорижий олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Даволаш усуллариининг йиллар давомида мукаммаллашиши, тиббиёт ва фармацевтикада тўқима инженерияси ривожланиши, яллиғланишга қарши препаратлар яратилганлигига қарамай COVID-19 ўтказгандан кейин, ЎСОК билан оғриган беморлар орасида турлича асоратлар келиб чиқиши ошиб бормоқда.

Даволашда халқаро стандарт меъёрларига амалқилинишига қарамай, турли хилдаги асоратлар 3,5% дан 25% гача; жумладан бактериал омиллар 4% дан 11% гача учрамоқда. Қатор муаллифлар томонидан COVID-19 ўтказгандан кейин, сурункали одонтоген гайморит кўзғалиши ЎСОК фониди

---

<sup>2</sup>«Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иктисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармони

бўлиши таъкидланган (Sidney S., Sorel M., Quesenberry C.P. et al. 2020; Opie L.H., Commerford P.J., Gersh B.J., Pfeffer M.A. 2021).

Ҳозирги кунгача мамлакатимизда, респиратор касалликлар коморбид ҳолатида кўзғалиши мезонларини аниқлаш, олдини олиш ва эрта ташхисига қаратилган (Убайдуллаев А. М., Алави А. Л., Садикова Г. А., Ливерко И. В., Ризаев Ж.А., Рахимова Д. А.) бир қанча изланишлари ўтказилганини санаб ўтишимиз мумкин. Олиб борилган илмий тадқиқот ишларига қарамасдан мамлакатимизда нафас олиш патологиясига боғлиқ гиперкоагуляция, ўпкадаги вентиляцияси бузилишлари, ЭД (эндотелиал дисбаланс)нинг муқобил даволаш имкониятлари, сурункали ўпка касаллигида одонтоген гайморит авжланишининг олдини олиш, даволаш етарлича такомиллаштирилмаган. Бу муаммоларнинг ечими инсон саломатлиги билан боғлиқ аҳоли саломатлиги яхшиланишига хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, ЎСОКда сурункали одонтоген гайморитнинг клиник ва диагностик мезонларини баҳолаш ҳамда касалликни комплекс даволашда иммунодепрессия ҳолатлари, коагуляцион тизимдаги бузилишлар ва эндотелий дисфункциясини бартараф қилиш ва беморларда ҳаёт сифатини оширишга қаратилган тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, COVID-19 ўтказган беморларда ЎСОК фонида ривожланган одонтоген гайморитни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоси бўлиб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФА-Атех-2018-111 «Бронхопальмонал тизим касалликлари билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва даволашнинг янги қурилмасини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй) илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** COVID-19 ўтказган коморбид ҳолатидаги беморларда сурункали одонтоген гайморитнинг клиник патогенетик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали респиратор патологияли беморларда COVID-19 дан кейин сурункали одонтоген гайморит кучайишининг клиник ва функционал хусусиятларини аниқлаш;

сурункали обструктив ўпка касаллигида COVID-19 дан кейин сурункали одонтоген гайморитнинг авж олишида эндотелиал номутаносиблик ва гемостазнинг коагуляцион тизими ҳолатини баҳолаш;

COVID-19 дан кейин сурункали одонтоген гайморит кучайишида оғиз бўшлиғи иммун ва микробиотик тизим ҳолати боғлиқлигини баҳолаш;

сурункали обструктив ўпка касаллигида COVID-19 дан кейин сурункали одонтоген гайморит авжланишини аллтромбосипин ва фототерапия усули комплекс даволаш самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2020-2021 йилларда Тошкент шаҳар 7-сон клиник шифохонаси юз-жағ жарроҳлиги бўлими ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази назоратида бўлган 136 нафар СОЎКли COVID-19 дан кейин сурункали одонтоген гайморитли беморлар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлар вена қони ва қон зардоби умумклиник ва иммунологик тадқиқотлар учун, оғиз суяқлиги цитологик ва гистологик тадқиқотлар учун олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-инструментал, цитологик, гистологик, аналитик, ижтимоий (сўровнома), микробиологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор COVID-19 ўтказган беморларда микроциркуляциянинг бузулиши ва иммунодепрессия сабабли ўпка сурункали обструктив касаллиги фонида юқори жағ бўшлиғида яллиғланиш жараёнининг кучайиши олиб келиб чиқиши асосланган;

илк бор COVID-19 дан кейин ўпка сурункали обструктив касаллиги фонида сурункали одонтоген гайморитнинг ривожланиши ўпканинг вентиляция ва перфузия ҳолати бузулиши ( $\text{SaO}_2$  ва спирография индекси кескин пасайиши), коагуляция тизимидаги бузилишлар (фибриноген миқдори ортиши, тромбин вақти ва қон ивиш вақти тезлашуви) ва эндотелий дисфункцияси (эндотелийда NO-нитрат оксиди камайиши) сабабли юзага келиши исботланган;

илк бор ўпка обструктив касаллиги бўлган COVID-19 ўтказган беморларда одонтоген гайморит пайдо бўлиши гаймор бўшлиғида лейкоцитлар, лимфоцитлар, плазма ҳужайралари, эозинофиллар ва нейтрофиллар миқдор кўрсаткичларининг ортиши, тромбоцитлар агрегат ҳолатининг кучайиши ҳамда оғиз бўшлиғида пайдо бўлган патоген (*Streptococcus mutans*, *Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae*) микрофлоранинг таъсирида маҳаллий микроциркуляцияда ўзгаришлар сабаб бўлиши исботланган;

илк бор COVID-19 касаллигини оғир даражада ўтказган беморларда асабийлик, кўрқинч, пессимизм ва лоқайдлик ҳолатининг ортиши ўз навбатида висцерал (ички аъзолар) касалликлар вазоконстрикция (қон-томир деворлари структурасидаги ўзгаришлар) механизмини ривожланишига таъсир кўрсатиши натижасида гаймор бўшлиғи тўқимасида трофик ўзгаришларга олиб келиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўпка сурункали обструктив касаллиги билан COVID-19 ўтказган беморларда сурункали одонтоген гайморити авжланганда структуравий фаолият ўзгаришларини эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

ўпка сурункали обструктив касаллиги билан COVID-19 ўтказган сурункали одонтоген гайморити беморларда иммуноглобулинлар G, A, M фракциялари, SMNO ва коагуляция даражасига боғлиқ бўлган индивидуал



диагностик коэффициент бўйича СОГ авжланишининг ҳавфини аниқловчи прогностик модел ишлаб чиқилган;

COVID-19 дан кейин ўпка сурункали обструктив касаллиги билан оғриган беморларда сурункали одонтоген гайморитни эрта ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича янги услубий ёндашув ишлаб чиқилган.

COVID-19 ўтказган беморларда ўпка сурункали обструктив касаллиги фонида ривожланган одонтоген гайморитни даволаш озонотерпия, резананстерапия ва фитотерапия қўллашнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 ўтказган коморбид ҳолатидаги беморларда сурункали одонтоген гайморитнинг клиник патогенетик хусусиятларини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади, COVID-19 ўтказган беморларда ўпка сурункали обструктив касаллиги фонида юқори жағ бўшлиғида яллиғланиш жараёнининг кучайиши микроциркуляция ва ўпка перфузияси фаолияти бузулиши, коагуляцион тизимдаги бузилишлар ва эндотелий дисфункцияси (NO-синтазаси), тромбоцитлар агрегат ҳолати, иммунитет реактивлиги ҳамда оғиз бўшлиғи микрофлораси таркиби (*Streptococcus mutans*, *Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae*) ўзгариши каби омиллари билан ўзаро боғлиқлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўпка сурункали обструктив касаллиги билан COVID-19 ўтказган беморларда сурункали одонтоген гайморити авжланганда структуравий фаолият ўзгаришларини эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги, иммуноглобулинлар G, A, M фракциялари, SMNO ва коагуляция даражасига боғлиқ бўлган индивидуал прогностик модел ишлаб чиқилганлиги, эрта ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича янги услубий ёндашув ишлаб чиқилгани ҳамда даволашда озонотерпия, резананстерапия ва фитотерапия қўллашнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилганлиги касаллик ривожланишини олдини олиши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** COVID-19 ўтказган коморбид ҳолатидаги беморларда сурункали одонтоген гайморитнинг клиник

патогенетик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

COVID-19 ўтказган беморларда ўпка сурункали обструктив касаллиги фонида ривожланган одонтоген гайморитни эрта ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Коронавируснинг респиратор патологияда максилляр синусдаги асоратларни босқичли ташхислаш ва даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 июлдаги 8н-з/229-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши COVID-19 ўтказган ўпка сурункали обструктив касаллиги беморларда максилляр синусдаги асоратларни пайдо бўлиши ва ривожланишини эрта ташхислаш ва даволашга хизмат қилган;

COVID-19 ўтказган беморларда ўпка сурункали обструктив касаллиги фонида ривожланган одонтоген гайморитни такомиллаштирилган даволаш усули асосида ишлаб чиқилган «Нафас аъзолари тизими патологиясида COVID-19 дан кейин коморбид ҳолатини эрта ташхислаш ва даволашнинг самарали усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 июлдаги 8н-з/229-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши COVID-19 дан кейин сурункали одонтоген гайморитни даволашнинг усулини такомиллаштириш ва беморлар реабилитацияси сифатини оширишга хизмат қилган;

COVID-19 ўтказган беморларда ўпка сурункали обструктив касаллиги фонида ривожланган одонтоген гайморитни эрта ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан,

Тошкент 7-сон шаҳар клиник шифохонаси, Самарканд шаҳар ва Самарканд туман тиббиёт бирлашмалари, 1-сон оилавий поликлиникаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 ноябрдаги 08-09/17928-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши беморларда одонтоген гайморитни пайдо бўлиши ва ривожланишини эрта ташхислаш, олиб бориш тактикасини такомиллаштириш, касаллик асоратларини камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 4 та ҳалқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** . Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш,

олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида COVID-19 дан кейин сурункали одонтоген гайморит авжланишини сурункали обструктив ўпка касаллиги ва бронхиал астмали беморларда ташхислаш, даволаш усулларини такомиллаштиришнинг долзарблиги эътиборга олиниб, мақсад ва вазифалар аниқ шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, шикастланишларни даволаш йўналишида илмий янгилиги аниқланган ва тадқиқотнинг амалий натижалари кўрсатилган, иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

**"COVID-19 дан кейин, сурункали одонтоген гайморитнинг респиратор патология билан коморбид ҳолатидаги клиник ва эпидемиологик хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)"** деб номланган биринчи бобида чет эл ва юртимиз адабиётларида сурункали обструктив ўпка касаллиги диагностикаси касалликнинг патогенетик жиҳатлари COVID-19 ўтказгандан кейин сурункали одонтоген гайморит муаммолари бўйича мавжуд илмий маълумотларни кўриб чиқишга бағишланган. Хусусан, коагуляция гемостазининг клиник ва патофизиологик хусусиятлари, эндотелиал дисфункция, ЎСОКда COVID-19 ўтказгандан кейин сурункали одонтоген гайморитнинг кучайишида иммун ва клиник-функционал бузилишлар тавсифланган. Микробиоценоз ва гуморал тизим омилларининг ўрни гаймор бўшлиғи тузилмаларини қайта тиклаш жараёнларини ортишида, ҳаёт сифати ва нафас олиш патологияси бўлган беморларда СОГ авжланиши терапияси афзалликлари, камчиликлари ва қўллаш бўйича замонавий илмий қарашлар очиб берилган.

**"COVID-19 ўтказгандан кейин сурункали одонтоген гайморитнинг СОЎК билан коморбид ҳолатидаги беморларни ўрганишга киритиш мезонлари, материаллари ва усуллари"** номли диссертациянинг иккинчи бобида тадқиқот объекти, клиник ва функционал усуллари ва мақсадга эришиш учун тадқиқотнинг услубий ёндашувлари баён этилган.

2020-2021 йилларда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида ҳамда Тошкент 7-шаҳар шифохонасининг юз-жағ жарроҳлик бўлими стационар ва амбулаториядаги беморларда клиник тадқиқотлар ўтказилди.

Ушбу тадқиқотда 136 бемор COVID-19 дан кейинги ҳолатда (72 эркаklar ва 64 аёллар), уларда сурункали одонтоген гайморит енгил ва ўрта даража билан биргаликда: СОЎК II-III даражали беморлар ўртача  $58,7 \pm 3,4$  ёшни ташкил этиб, уларнинг СОЎК касаллик давомийлиги беморлар 10-15 йилдан ортиқлиги қайд этилди. Соғлом кишилар (СК) гуруҳи кардиореспиратор

патология белгиларисиз антропометриянинг ўзгаришсиз хусусиятларига эга бўлган 30 соғлом шахсдан иборат бўлди.

Текширувдаги барча COVID-19 ўК СОГ авжланган СОЎК бўлган беморларда базис терапияси (GOLD 2016 бўйича) ўтказилди.

Касаллик нозологияси, оғирлигига қараб беморлар қуйидаги кичик гуруҳларга бўлинди:

1 – кичик гуруҳда сурункали одонтоген гайморити (ўрта оғир) II даражали 36 бемор,

2 - кичик гуруҳда СОГ II (ўрта) даража ва СОЎК III даражали 35 бемор,

3 - кичик гуруҳда сурункали одонтоген гайморити (енгил) I даражали 33 бемор,

4 - кичик гуруҳда СОГ I (енгил) даража ва СОЎК II даражали 32 бемор бўлди

Даволаш усуллари бўйича барча беморлар 3 та гуруҳга бўлинган. (2.1-жадвал)

2.1-жадвал

### Беморларни даво режасига кўра гуруҳларга бўлиниши

Умумий беморлар (n= 136)	Ал (алтромбосепин) гуруҳи (n=55)	ОТ (озонотерапия) гуруҳи (n=53)	БТ (базис терапия) гуруҳи (n=28)
Касаллик енгил даража оғирлигидаги беморлар гуруҳи (n=70)	(n=28) 20,6 %	(n=27) 19,8 %	(n=15) 11,03 %
Касаллик ўрта оғир даража оғирлигидаги беморлар гуруҳи (n=66)	(n=27) 19,8 %	(n=26) 19,1 %	(n=13) 9,6 %

Яъни **БТ гуруҳида** - фақат анъанавий базис терапияни 28 бемор қабул қилди. **Ал гуруҳи** - алтромбосепин капсуласи 100 мг, 1 кунда 1 капсуладан 1 маҳал, овқатдан кейин (Алтромбосепин капсуласи 100 мг, СП ООО «REMEDY GROUP», Ўзбекистон) ва инфрақизил нурли фото терапияни маҳаллий тарзда ГБ соҳасига (бир кунда 3 маҳал 6 минутдан) анъанавий терапия асосида 57 бемор қабул қилди.

**ОТ гуруҳида** - озонотерапия (ОТ-қисман озонланган зайтун ёғи "extra-virgin" бир кунда х 2 марта, 30 дақиқа овқатдан кейин апликацияси (оғиз бўшлиғи яллиғланган қисмига) + алтромбосепин капсулани, базис терапия асосида 53 бемор қабул қилди. Назоратдаги барча беморлар базис терапия

олганлар: асосий даволаш, шу жумладан: inhale глюкокортикостероидлар – 51% беморларга, бета-агонистлари+anticholinergic ингалятор - 39%, беморлар, антилейкотриен - 47% беморлар, метилксантинлар - 56% беморларга, бета-агонистлари - 23%, антибиотик маҳаллий даволаш (оғиздаги касалликларни) - 5%, маҳаллий оғриксизлантириш – 9%, бундан ташқари, барча беморлар: т. глицерозин, уқалаш, нафас олиш гимнастикаси ва психотерапия олдилар.

10 кунлик жамланган терапиядан олдин ва кейин барча беморларнинг умумий клиник текшируви ўтказилди: объектив жисмоний текширувлар, умумий клиник параметрларни бал тизимига кўра баҳолаш; қон, сийдик ва балғамнинг умумий таҳлили;

Барча иштирокчиларнинг клиник текшируви ЖССТ (2016) тавсияларини ҳисобга олган ҳолда умумий қабул қилинган усулларга мувофиқ ўтказилди. Албатта гайморит аломатларини ҳисобга олинди:

бурун ва бурун олди соҳасида нохуш сезгилар, бурун кўприк ёки кўз устида ва бош оғриғи (Боғ) аста-секин кучайишлари; бурундан нафас олиш қийинлиги (НҚ); бурун оқиши (БОқ), бурундан шиллик (шаффоф) ёки йирингли (сарик, яшил) оқиши, бурун битиши, тана ҳарорати (ТХ); аксириш, томоқ оғриғи, умумий ҳолсизлик, чарчоқ ва уйқу бузилишлари баҳоланди.

Ҳар бир беморни даволаш комплекси алоҳида танланди.

Парадонт тўқимасини функционал ҳолатини баҳолашда индекслар: гигиеник (ОНИ-S, Green J.C., Vermillion J.R., 1964), пародонтал (PI, Russel A., 1956) ва папилляр-маргинал-альвеоляр индекслардан (РМА, Parma G., 1960) фойдаланилди.

Парадонт тўқимасининг клиник ҳолатини баҳолашда парадонт касаллик учраши интенсивлиги; оғрик, милк яллиғланиши, милкдан қон келиши (МК), тиш-милк-пародонт чўнтаклари, оғиздан бадбўй хид келиши (ХК), милк қизариши (Қиз), тишларнинг патологик қимирлаши - (ПК) ва силжиши баҳоланди.

COVID-19 дан сўнг енгил ва ўрта даражали СОГ билан оғриган беморларда суяк тўқимасининг ўзгариши параназал синусларнинг рентгенологик ўзгаришлари (даҳан-бурун соҳасида бош суягининг олдиндан рентгенограммаси) билан аниқланди; шунингдек компьютер ва магнит-резонанс томография, ГБ ни пункция қилиш қўлланилди.

Парадонт тўқимаси яллиғланиш асоратлари ва остеопороз оқибатидаги I ва II даражали оғирлигидаги суяк тўқимасидаги ўзгаришларини рентгенография билан кортикал пластинканинг деструкцияси, тиш илдизи интердентал алвеоляр баландлиги, алвеола суяги кўмикдаги остеопороз белгилари, периодонт ёриқларнинг кенгайиши ва суяк чўнтакларининг шаклланиши.

Беморларнинг руҳий кўзғалиш реакцияси ҳолатлари баҳоланди. Спилбергер-Ханин шкаласи ёрдамида аниқланди; оғиз суяқлиги таркиби цитологик текширилди. Суяқлик тўплаш: суртма-мухрлашда олиниб Романовский-Гимза усулида бўялиши ўрганилди. Эпителий хужайралари,

нейтрофиллар ва лимфоцитларнинг миқдорий таркиби ва полиморфнуклеар лейкоцитлар суртма препаратларда ёруғлик микроскопи ёрдамида саналди. Маҳаллий иммунитетни таҳлил қилиш периферик қондаги секретор Ig A, M, G ва умумий иммунитетнинг концентрациясини (лимфоцитлар: CD3 + ва уларнинг популяциялари, CD4 +, CD16 +) CD8 +, иммунорегуляцион индекс CD4 + / CD8 +; B лимфоцитлар CD22 +; айланма иммун комплекслари даражаси - ЦИК) таҳлил қилиш орқали амалга оширилди. Тромбоцитлар агрегациясини баҳолашда АДФ индукцион усули "агрегат анализатори АЛАТ-2" (БИОЛА Россия агрегация-анализатор) ва коагулометр (Humaclot Junior "HUMAN" Germany) аппаратларидан қўлланилди. Нитрат оксиди (NO) метаболитлари умумий концентрацияси баҳолаш СФ-16 спектрофотометрик усули билан аниқланди; 6-дақиқа юриш тест (6 MWD); ҳаёт сифати Сиетл пастадир таҳрирланган кўра; ташқи нафас олиш функцияси баҳолаш (ТНФ) спирографи томонидан, ўпка ҳажми (FVC), 1 сонияда мажбурий экспиратуар ҳажми (FEV<sub>1</sub>) ва тиффно индекси (FEV<sub>1</sub>/FVC) «Medicor» (Венгрия); периферик қон оқими «Toshiba SSH 60A» (Япония), ултратовуш машинаси ёрдамида ўрганилди, эндотелийга боғлиқ вазодилатация (ЭЗВД) елка артерия доплерографияси ёрдамида баҳоланди; қоннинг кислородга тўйинганлиги (SaO<sub>2</sub>) «ОХУ» мосламаси (Германия) ёрдамида пулсоксиметрия билан баҳоланди.

Тадқиқот натижаларини статистик таҳлили IBM замонавий компютер тизимда стандарт дастурлар пакети - "Excel-2017" ёрдамида амалга оширилди. Ўрганилаётган кўрсаткичнинг арифметик ўртача (M), квадратик четланиш ( $\sigma$ ), стандарт хатолик (m) ва нисбий қийматларни (%) ҳисоблаш учун вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усулларидан фойдаланилди. Ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчашларнинг статистик аҳамияти талабанинг мезони (t) ва умумий вариацияларнинг тенглиги (F - Fisher мезони бўйича) хатолик эҳтимоллиги (p) ни ҳисоблаш билан аниқланди. Ишонч даражаси  $p < 0.05$  статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида қабул қилинди. Хусусиятларнинг боғлиқликларини таҳлил қилиш учун Пирсон жуфт корреляция коэффициенти (P) ҳисобланди. Сифат қийматларининг статистик аҳамияти  $\chi^2$  критерийси (хи-квадрат) ва z-критерийси (Гланц) ёрдамида ҳисобланди.

Диссертация учинчи бобида **"COVID-19 ўтказгандан кейин респиратор патология ва сурункали одонтоген гайморитда юқори жағ синус тўқимаси зарарланиши ва клиник-функционал бузилишларининг хусусиятлари"**, турли даражали СОЎКда гаймор бўшлиғи тўқималарининг яллиғланиши ва зарарланишининг тавсифи ва мезонлари, шунингдек ГБ тўқимасидаги бузилиш ривожланишида оғиз суяклиги микробиоценозининг аҳамияти таҳлил этилди.

COVID-19 ЎК сурункали одонтоген гайморит кечишининг; оғирлигига кўра назоратимиздаги барча беморларда қуйидаги рентгенологик ва клиник таҳлил қилинди: энгил даражада - 71 та (52.2%) беморда (бурун битиши ва обструкцияси, мукозли шиллиқ оқиши, 37.5 С гача тана ҳарорати ортиши,

рентгенда мукозал қалинлиги 6 мм гача); ўрта даражада кечиши шу гуруҳнинг – 58 та (42.64%) беморларда (бурун битиши ва обструкция, йирингли шиллиқ оқиши, тана ҳарорати 37.5 С, 6 мм гача рентгенда мукозал қалинлиги, тўлиқ соя ёки 1-2 синусда сув йиғилиш сатҳи кўринади); оғир кечиши шугуруҳнинг 7 та беморда (5.16%), (бурун битиши ва обструкция, кўпинча йирингли ажралма, тана ҳарорати 38.0 С дан юқори, 2 дан ортик синусларда тўлиқ соя қорайиши ёки суюқлик даражаси, яллиғланиш характеридаги ренгенограммада ўзгаришлар, орбитал, интракраниал асоратлар ёки уларга шубҳа). СОЎКда одонтоген ГБ тўқималари зарарланишининг милк даражасидаги нуқсонлар билан белгиланади, бу эса даволаш ёндашувларига қараб, глюкокортикостероид терапиясининг давомийлигига ва дозаларига боғлиқ хос хусусиятларга эгаллиги аниқланди.

Даволанган беморларда сурункали одонтоген гайморитнинг қуйидаги клиник симптомлари аниқланди: бурун ва бурун атрофи соҳасида, бурун тўсиғи ёки кўз усти нохуш сезгилар аста-секин кучаяди. Оғриқ кечкурун ортиб, эрталаб камроқ безовта қилади. Аста-секин оғриқ маълум жойда "йўқолади" ва 45 та (33%) беморда бош оғриғи бўлади. Жараён бир томонлама кечганда, бир томонда оғриқ қайд этилади; 70 та (51.47%) беморда бурун нафас олиш қийинлиги (бурун битиши-ББ), овоз бурундан чиқиши, одатда, буруннинг иккала ярми ёпилиши кузатилади, бурундан нафас олишнинг доимий ёки баъзида битиши билан кузатилди. Шунингдек 25 та (18.38%) беморда, буруннинг ўнг ва чап ярмидаги яллиғланиш ажралмалари; 82 та (60.3%) беморда ринит (Рт) кузатилди. Кўп ҳолларда бемор бурнидан 55 та (40.44%) ҳолда мукозал (шаффоф) ёки йирингли (сарик, яшил) шиллиқ оқиш кузатилади. Тана ҳарорати ошиши (ТХО) +38°С ва ундан юқори бўлиб, сурункали жараёнларда, тана ҳарорати камдан-кам, яъни 5 та (3.67%) беморда кўтарилади; 83 та (61%) беморларда тез-тез аксириш (ТА), шунингдек, 52 та (38.23%) беморларда томоқ оғриқлари аниқланди.

СОГ билан СОЎК III д. беморларда парадонт касаллиги белгилари турли интенсивликда 79 беморда (29,8%) аниқланган: милк яллиғланиши, қон кетиши, оғриқ, тиш-милк пародонт чўнтақларидан йиринг ажралиши, қўланса хид, милк қизариши (МК), тишлар патологик кимирлаши (ПК) аниқланди. Ушбу аломатларни баҳоланганда нафас олиш терапиясининг давомийлигига боғлиқлигини белгиланди. ПТ патологиясининг ўзига хос оғирлигини СОЎКнинг авжланишига ва препаратни қўллаш муддатига қараб ўзгариши кузатилди: СОЎК II д. беморларда. иМ-ХЛ (5 йил ва 10 йилдан ортик) - 3,6 марта (16,1% дан 38,7% гача,  $p < 0,05$ ); СОЎК III дар. беморларда 4,8 марта (10,7% дан 47,3% гача,  $p < 0,05$ ).

Ингаляцион дориларни тез-тез, сурункали қўллаш билан оғиз бўшлиғидаги микрофлоранинг ва милк суюқлиги дисбактериози ривожланиши аниқланди. Улар патоген микроорганизмларни ўз ичига олган биопленкаларнинг шаклланишига ёрдам беради: *Streptococcus mutans*, *Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae*. Шунингдек, тадқиқотлар

натижаларига кўра COVID-19 ўтказгандан кейин СОГ авжланишида патоген микроорганизмлар билан инфекциялардан *Streptococcus mutans*, *Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae* бўлиши сабабли яллиғланиш ортиши СОЎК беморларда мос равишда: 81.1% ва 63.1% бўлиши таҳлил этилди. Яъни, гаймор бўшлиғи одонтоген зарарланиши II гуруҳга нисбатан I гуруҳда юқори даражадалигини белгилайди. Бу COVID-19 ўтказгандан кейин СОГ кўзғалиши ривожланишида давомли таъсирдаги инфекциянинг ахамиятини таъкидлайди.

Шундай қилиб, оғиз суяқлигининг микробиоценозига ингалятор препаратларни қўллаш (чекиш, тиш тошларининг бўлиши) салбий таъсир кўрсатиб турли патологик ўзгаришларни чақиради. Бу омиллар *Streptococcus mutans*, *Staphylococcus aureus*, *Klebsiella pneumoniae* каби турли патоген микроорганизмларнинг ривожланишига ёрдам беради. Пародонт тўқиманинг инфекцияси доимий маҳаллий зарарга, унинг тарқалиши ва одонтоген гаймор бўшлиғига кўчишига олиб келади. Шу билан бирга эпителиал пролиферация жараёнлари ривожланганлиги аниқланди. Демак, ПТ морфогенезининг ўзгариши эпителиал қаватнинг пролиферацияси шаклида шиллик қаватнинг нейтрофил гранулоцитларининг шакли бузилиши билан кузатилди.

Тадқиқотларда 1 ва 3 гуруҳларининг спирографик кўрсаткичларига нисбатан бронхопулмонал тизимнинг вентиляция ва перфузия ҳолати 2 ва 4 гуруҳларида кескин камайди. 2 ва 4 гуруҳларидаги FEV1 нинг спирография индекси мос равишда  $46.1 \pm 0.5\%$  ва  $65.2 \pm 1.6\%$  ни (СГга нисбатан  $p < 0.005$ ), SaO<sub>2</sub>  $86.1 \pm 2.3\%$  ва  $88.2 \pm 1.6\%$  ни ( $p < 0.05$ ) ташкил этиб, бронхлар вентиляциясининг обструктив турига кўра кескин камайиш устунлигини характерлайди. СОГ нинг кучайишига мос равишда СОЎК III д. 71 та беморда, СОЎК II д. 65 та беморда қонни кислород билан тўйинишининг камайиши узвий аниқланади. Пародонт тўқима ва гаймор бўшлиғи зарарланишининг клиник белгилари нафас олиш патологиясининг оғирлиги ва давомийлигига паралел кечади.

СОЎКда COVID-19 ўтказгандан кейин максилляр синусни рентгенологик текширишлари натижасида гаймор бўшлиғи тўқимасида патология борлиги 97.3% беморларда аниқланган, шундан СОГ ўрта даражаси 82.7% беморда, СГ оғир даражаси 14% ҳолларда аниқланган.

ГБ тўқимасида кислород сарфи ошган шароитда 1 - гуруҳдаги беморларда нитрат оксидини эндотелий ишлаб чиқариш 31,1% га, 3 - гуруҳда эса SMNO 19,4% га камаган ( $p < 0,05$ ). Қон сатурацияси пасайишига дезадаптациаланиш шароитида, эндотелиал ремоделланиши маркерларидан - барқарор нитрат оксиди метаболитлари ишлаб чиқариши пасайиши 2 ва 4 гуруҳларда мос равишда 43.1 ва 23.2% (СК гуруҳига нисбатан  $p < 0.001$ ) кузатилди. Эндотелийга боғлиқ вазодилатация параметрларидан: реактив синовдан кейин елка артериясида максимал қон оқими тезлиги ( $V_{max}$ ), 1 ва 2, 3 ва 4 гуруҳларда мос равишда: 18,2% ва 33,1% ва 9,5 ва 24,1% пасайиши аниқланди. Олинган натижалар периферик қонда эндотелиал мувозанатнинг ортиши нафақат тизимли ўзгаришларга, балки муҳим маҳаллий ўзгаришларга



ҳам олиб келади. Бинобарин, COVID-19 ўтказгандан кейин гаймор бўшлиғида яллиғланиш жараёнларининг ошиши ва томирлар эндотелийининг NO-синтазасининг номутаносиблиги гемостазнинг коагуляцион боғланишининг бузилишларини оширади.

Илмий ишда қон зардобадаги SMNO кўрсаткичлари, эндоделийга боғлиқ вазодилатация, гаймор бўшлиғи тўқимасида бузилиш ва беморларнинг жисмоний толерантлиги ўртасида корреляцион боғлиқлик, мос равишда  $r=0.35$ ;  $r=0.38$  ва  $r=0.44$ , ( $p<0.05$ ) таҳлил қилинган. Шунингдек, барқарор нитрат оксиди метаболитлари дисфункциясининг гаймор бўшлиғи тўқимасини қайта ишлаб чиқишга таъсири аниқланди ва COVID-19 дан сўнг СОГ да SMNO билан кучли мусбат корреляцион кўрсаткич ( $r=0.65$ ,  $p<0.005$ ) таҳлил қилинди. Шундай қилиб, эндотелиал тизим дисфункцияси туфайли, гаймор бўшлиғи тўқимасини ремоделланиши ўрта даражадаги СОГ + СОЎК II-IV ст. билан оғриган беморларда COVID-19 ўтказгандан кейин тез ва кучли ривожланади.

Бундан ташқари, СОЎК ўрта д. + СОГ бўлган беморларда жисмоний толерантлигининг жуда ҳам пасайиши аниқланди (6 MWD 300 м дан кам). Барча беморлар клиник симптомларнинг кучлилиги, ҳамда, жисмоний фаолиятга толерантлик паст бўлишига таъсир қилувчи эндотелиал дисфункциясининг юқорилиги кузатилди. Эндотелиал номутаносиблик периферик қон томир таранглигини бузиши, COVID-19 ЎК СОГ енгил д. 3 ва 4 гуруҳлардаги беморларга нисбатан COVID-19 ЎК СОГ билан бирга СОЎК ўрта д. 1 ва 2 гуруҳ беморларида кучли эканлиги аниқланади. 6 MWD (300 м дан кам) ва 16% Ig G маҳаллий иммун ҳимоя энг кучли камайиши, COVID-19 ўтказгандан кейин СОГ + СОЎК III д. беморларда, СОГ + СОЎК II д. гуруҳга нисбатан кузатилади. Шу билан бирга, ўрта оғир СОГ ривожланишида гаймор бўшлиғи зарарланиши билан эндотелиал дисбаланс даражаси ўртасида ижобий корреляцияга эга ( $r=0.43$ ),  $p<0,05$ ).

Беморларнинг психоэмоционал ҳолатини баҳолаш учун шахсий асабийлик (ША) ва реактив асабийлик (РА) кўрсаткичларининг бошланғич ҳолатини тадқиқ этилди. 1 ва 3 гуруҳлар беморларида мос равишда:  $51.8\pm 0.5$  ва  $47.2\pm 0.71$  (34,3 $\pm$ 1.6 баллга қарши) реактив асабийлик ортишини ўрганиб чиқдик. Шундай қилиб, шахсий асабийлик  $57.5\pm 0.5$  ва  $46.2\pm 0.4$  (32.4 $\pm$ 0.6 баллга қарши) ва кўрқоқлик, пессимизм ва лоқайдлик билан 24 та (9.4%) ва 14 та (7.8%) беморларда намоён бўлди. 2 ва 4 гуруҳларида РА 38.5 ва 31.6% га ошган ( $p<0,05$  СГ га нисбатан). Реактив ҳолат 32 та (13.6%) ва 19 та (9.4%) беморларда кузатилиб, синовдан ўтказилганда, шахсий ташвишларнинг интенсивлиги 34.3 ва 23.1% га ошди ( $p<0.05$ ). Бу беморларда ҳам маълум бир қатор ҳолатларни хавотирли шаклда идрок этишга мойиллиги бўлиши кузатилди. Реактив асабийлик 1 ва 3 гуруҳларида шахсий асабийликка нисбатан устун келди ва ША кўпроқ ортиши 2 ва 4 гуруҳларда қайд этилди.

Шундай қилиб, COVID-19 ўтказгандан кейин психоэмоционал мослашиш висцерал касалликлар шаклида вазоконстрикцияни ривожлантириш

механизмларининг бошланғич нукталаридан бири бўлиб, кейинчалик гаймор бўшлиғи тўқимасида трофик ўзгаришларга сабабчи бўлади. Қиёсий баҳолаш COVID-19 ўтказгандан сўнг, психоэмоционал номутаносиблик СОГ+СОЎК энгил даражага нисбатан СОГ+СОЎК ўрта даражада янада оғир эканлигини белгилайди.

Тўртинчи бобда **"COVID-19 ўтказгандан кейин сурункали одонтоген гайморит ривожланишининг коморбид ҳолатида маҳаллий иммун дисбаланс ва гемостаз коагуляцион тизими ўртасидаги боғлиқлик"**, СОЎК билан биргаликда сурункали одонтоген гайморитнинг кучайиши механизмлари ўрганиб, натижаларини таҳлили кўрсатилди.

Ўтказилган тадқиқотларда барча беморларнинг гемостаз коагуляция дисбаланси аниқланди, бу касалликнинг кечиш оғирлигига ва эндотелиал бузилишга таъсир қилади. Қўйилган вазифаларга кўра, гаймор бўшлиғи зарарланишининг клиник кечишини белгиловчи коагулологик бузилишлар ва қоннинг сатурацияси ўртасидаги муносабатлар аниқланди. Тўқимада гипоксия шароитида, қон кислород билан тўйиниши 88.7 да 1.8% пасайиши, СГда  $99,5 \pm 1,6\%$  ( $p < 0.001$  ишонч билан назорат гуруҳи маълумотлар), дастлабки натижаларини аниқлаш коагуляция гемостаз тизими, таҳлил пайтида қуйидаги ўзгаришлар кузатилди, яъни 1,2 ва 3,4 гуруҳ беморларида мос равишда: фибриноген  $4,9 \pm 0,08$  ва  $4,4 \pm 0,08$  г/л даражасини; тромбоцитлар агрегация фаолиятини  $62,1 \pm 1,3$  ва  $55,5 \pm 0,08$ ; қисман тромбопластин вақти фаоллашуви (ҚТВФ)  $28.0 \pm 0.14$  сек. ва  $23.0 \pm 0.14$  сек.; тромбин вақт  $5.4 \pm 0.08$  сек. ва  $5.0 \pm 0.8$  сек.; қоннинг ивиш вақти (ҚИВ): ҚИВ нинг бошланиши  $3.35 \pm 0,05$  сек. ва  $3.7 \pm 0,05$  сек. ва ҚИВ нинг охири  $4.08 \pm 0,07$  сек. ва  $4.4 \pm 0,08$  сек. ташкил этди.

Суяк илигида синтезланадиган ядроси бўлмаган хужайралар - тромбоцитлар агрегация фаолиятининг, миқдорий ва сифат ҳолатини таҳлил қилганда, улар тромбоз жараёнининг асосий иштирокчилари сифатида ҳаракат қилиши аниқланди. Бинобарин, тромбоцитлар гемокоагуляциянинг бошқа қисмларига сезиларли таъсир кўрсатади, қонга бир қатор коагуляция омилларини чиқаради, фибринолизни модуляция қилади ва вақтинчалик вазоконстрикцияни таъминлайди.

Тадқиқотларда сарум SMNO, эндоделийга боғлиқ вазодилатация ва ҚТВФ кўрсаткичлари орасида корреляцион таҳлил ўтказилди ва мос равишда,  $r=0.35$ ;  $r=0.38$  ва  $r=0.44$ , ( $p < 0.05$ ) таҳлил этилди. COVID-19 ЎК, гемостаз коагуляцион тизим параметрларида номутаносиблик II гуруҳга нисбатан таққослашда, II гуруҳда аввалроқ содир бўлганлигини акс эттиради. Қон кислородининг тўйиниши ва гиперкоагуляциянинг камайиши бу хужайраларнинг эндотелиал қатламида ва репликациясида номутаносибликка олиб келади, бу эса гаймор бўшлиғи тўқималари хужайраларининг мембрана структурасида молекуляр ўзгаришларга олиб келади.

Юқори ва пастки нафас йўлларида сурункали яллиғланиш туфайли ва ИГКСдан узоқ вақт фойдаланиш, тизимли ва маҳаллий иммун жавоб кескин

камайиши, нейтрофил гранулоцитлар антимикроб функцияси, лейкоцитлар ортиши ва лимфоцитлар инфильтрацияси асосан, ГБ тўқимасига ўтиш жойларида аниқланади.

COVID-19 ўтказгандан кейин СОГ бошланғич поғоналарида периферик қон тизимли иммунологик ўзгаришлар белгилашда, СОЎК III д беморларда. Т-лимфоцитлар нисбий таркиби  $34,5 \pm 2,11$  камаяди, JgM, JgG ва JgA мос равишда:  $19,8 \pm 0,10$ ;  $0,42 \pm 0,10$  ва  $0,55 \pm 0,13$  пасайиши кузатилади. COVID-19 ўтказгандан кейин оғир СОЎК III д + СОГ бўлган беморларда ривожланган ГБ тўқима зарарланишида, иммунитетнинг Т-тизимининг кучли ингибирланиш тенденцияси аниқланди.

Оғиз бўшлиғи маҳаллий ҳимоясининг хужайравий омиллари таҳлили шуни кўрсатдики, СК гуруҳида 95-97% - нейтрофиллар, 1-2% - лимфоцитлар ва 2-3% - моноцитлар ташкил этади. СОГ билан бирга СОЎКли беморларда тГКС + иГКС режасида узоқ муддатли ингалятор препаратлар, оғиз суюқлигининг нейтрофил гранулоцитларини дегрануляцияси қайд этилди, бу оғиз суюқлигининг антимикроб фаоллигининг кескин камайишидан далолат беради. Гаймор бўшлиғи тўқимаси микробли шикастланишида, хужайрлар инфильтрацияси белгиларидан: полиморфнуклеар лейкоцитлар, лимфоцитлар, плазма хужайралари, эозинофиллар ва нейтрофиллар билан ифодаланади. Ушбу белгилар хужайра элементлари сон ўзгариши орқали, билвосита яллиғланишнинг фаоллиги ва даражасини кўрсатади. Шундай қилиб, 20 та бемордан 10 та беморда оғиз шиллиқ қаватининг нейтрофил гранулоцитлари дегрануляцияга учраганлиги аниқланди, бу ерда яллиғланиш жараёнининг фаоллиги ошди. Оғиз суюқлигида эпителийсимон хужайралар сонининг кўпайиши тўқиманинг микроблар билан ифлосланишини кўрсатувчи дентоалвеоляр бирикманинг бузилиши мезони эканлиги аниқланди. Шу билан бирга нейтрофиллар сони полиморфонуклеар лейкоцитлар, эпителиал хужайралар ва лимфоцитлар сони билан боғлиқ, мос равишда,  $r=0.35$ ;  $r=0.43$  ва  $r=0.45$  ( $p<0.05$ ), яъни улар оғиз суюқлигидаги яллиғланиш жараёнининг оғирлигига паралел кечади. Олинган маълумотлар таҳлил характерли хусусиятлари СОЎК ва эълон билан беморларда COVID-19 ўтказгандан сўнг СОГ йилда, полиморфнуклеар лейкоцитлар тромбоцитлар активлаштиришни тарғ 2 бир неча агентлари озод учун бошланғич нуқтаси бўлган 1,6 марта камаяди, деб кўрсатади қон томирлари эндотелиал қатлами ва уларнинг вайрон сабаб асосий қатламлари билан ўзаро микроваскўлер айланиши тикилиб ол 2 келади.


СОЎК ва бронхиал астма билан бирга COVID-19 ўтказгандан кейин СОГ зўравонлик турли даража билан беморларнинг ҳаёт кўрсаткичлари сифатини таҳлил, биз гуруҳлар 3 ва 4 беморларда, жисмоний ҳолати (ЖХ), эмоционал ҳолат (ЭХ), касбга лаёқати (КЛ) ва даволашдан қониқиш (ДҚ) ўз навбатида камайиб:  $2,15 \pm 0,07$ ;  $2,45 \pm 0,04$ ;  $3,1 \pm 0,06$  ва  $2,15 \pm 0,03$  балл ( $p<0,05$  СК гуруҳига нисбатан). 1 ва 2 гуруҳлари бўлган беморларда аниқланган кўрсаткичлари анча камайтирилди: ФС  $3,14 \pm 0,06$ ; ес  $3,41 \pm 0,05$ ; ПП  $3,56 \pm 0,03$  ва УЛ  $3,02 \pm 0,05$  балл билан. Биринчи гуруҳ беморларда ёмонлашуви янада

аниқ эди: беморлар жисмоний фаолият кўрқувни тажр 2 али, уларнинг одатий professional вазифаларини бажариш учун қийин топилди, ва даволаш билан норозилик. Белгиланган маълумотлар 1 ва 2 гуруҳлар беморларда шахсий асабийлик ортиши 24.5 ва 31.2% (3 ва 4 гуруҳларда эса 18.3 ва 26.2%), яни COVID-19 ўтказгандан кейин СОГ + СОЎК даражаси ортиши билан ПЭ ҳолат симптомлари сезиларли ёмонлашди. Корреляцион баҳолаш беморларнинг ҳаёт сифати параметрлари ва томирлардаги микросиркуляция ҳолати ўртасидаги аниқ муносабатларни кўрсатди: Vmax (r=0.42), ICR (r=0.37) (p<0.05) ва фибриноген даражаси билан (p= -0.38).

Жисмоний фаолликнинг ва даволанишдан қониқиш ҳисси пасайиши туфайли COVID-19 ўтказгандан кейин СОГ бўлган беморларда эмоционал ҳолат ва касбга лаёқат даражасининг пасайиши сабабли янада сезиларли даражада ёмонлашиши кузатилади. Шу билан бирга, гаймор бўшлиғи тўқималарининг бузилиши жараёнлари, вентиляция-перфузия камайиши беморларда касалликнинг оғирлиги ортиши билан конкордантдир. 1 - гуруҳ беморларда ГБ тўқимасида бузилишлар, коагуляцион гемостаз ва эндотелиал дисфункциянинг кучли ўзгариши амалда 4 - гуруҳ натижалари билан деярли тенг бўлди. Гаймор бўшлиғи тўқималарининг ремоделланиши СОГ ўрта оғирликда илгари бошланади ва нафас олиш тизимининг коморбид ҳолатида янада оғирлашади.

Шундай қилиб, COVID-19 ўтказгандан кейин СОГ + СОЎК бўлганда танадаги доимий иммун номуносивлик патология янада сурункали тус олишига ва патологияни ривожланишига олиб келади. Шу муносабат билан компенсатор реакциялар таъсирида метаболик фон, адаптив жараёнларни чарчаши, эндотелиал дисфункцияни ошиши қайд этилади.

Таҳлил натижалари асосида СОГ билан бирга СОЎКли беморларда COVID-19 ўтказгандан кейин, гаймор бўшлиғи тўқималари бузилишини ташхислаш учун алгоритм тузилиб, касалликни кўшимча текшириш, олдини олиш ва даволаш учун имкон яратади.



**Расм 2. COVID-19 ўтказгандан кейин турли даража респиратор патологияли беморларда одонтоген синусит гаймор бўшлиғи зарарланишлар борлигига қараб, қон томир эндотелиал функцияси ва ўпка нафас олиш функцияси бошланғич ҳолати.**

